

НИҚУҚ

Mustaqillik
huquq
demakdir

№ 18 (179),
2-8 may
2001 yil

YURIDIK GAZETA

ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

ҲАДЕМАЙ, озод мамлакат сифатида келажак сари мустақил қадам ташлаганимизга 10 йил тўлади...

Мустақиллик борасида айтмоқ бўлган сўзларимни оқ вараққа тўкар эканман, бир лаҳза Ўзбекистон бўлиб, ортага назар солдим, қарадим-у, кўксимни тўлдириб нафас олдим: "Ох, қанчалар завқли!". Ҳаёлимда гўжгон уйнаган фикрларим, тўлиб-тошган ҳисларим, шу дамда янада ўсиб кетган гурурим мени бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Беихтиёр "шукр", — дедим.

Ҳар гал озодлик — инсон эркинлиги, Ватан мустақиллиги ҳақида гап кетганда, "Шерюррак" деб номланган хориж фильмидаги сўнгги сюжет эсимга тушверади. Унда фильм қаҳрамонининг қатл пайти тасвирланар экан, у сўнгги нафасини чиқараётган пайти ҳам қиролга таҳсин айтишни эп кўрмай, бор овози билан "Озодлик!", — дея ҳайқиради. Жони ҳам мана шу сўзга кўшилиб чиқиб кетади.

Тўғри, гарчи у халқнинг муваффақиятга эришганини кўролмаган бўлса-да, бироқ озодликнинг рангини юракларга, таъминни тилларга солиб кетади.

Ушбу картинани бежиз тилга олмадим. Назаримда мазкур фильмнинг муваффақияти шундаки, унда инсон учун бебаҳо неъмат — озодликнинг моҳияти тўла-тўқис акс эттира олинган...

Кўриниб турибдики, озодликка эришиш ҳеч қачон осон кечмайди. Ўзимизда эса, бу жараённинг тинчгина, уруш-жанжалсиз, қон тўқилмай амалга оширилгани учун яратганга ҳар қанча шукр айтсак оз.

Айни дамда, Ўзбекистон менинг назаримда янги қурилган рўзгорга ўхшайди. Бундай оиланинг сабр-тоқат, меҳр-муруват билан қилган ҳаракати рўзгордаги камчиликларни тўлдириб бориши ҳамда барча қийинчиликларни енгиб ўтиши табиийдир.

Маълумки, янги оила, аввало, ёвузларнинг нопок нигоҳидан сақланиш учун ўз кўргонини девор билан ҳимоялаб қўяди. Шу каби бизда, дастлаб, чегара ва мудофаанинг мустаҳкамланиши бугунги кунда юртимизга қилинаётган ҳар хил зуғумларнинг, турли-туман тазйиқларнинг олдини олишда ўз самарасини берди, деб баралла айтиш мумкин.

Шу аснода, миллий кадрлар, қадимий урф-одатлар тикланди, мудраб ётган тарих "уйғотилди", "тупроққа кўмилиб қолаётган" ўзлик "тургазилди", миллий уйғониш юз бермоқда — буларнинг ҳаммаси Чўлпонлар қуйлаб ўтган эрк шарофати эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бундан-да қувонарлиси — ёшларга алоҳида аҳамият қаратилад экан, ўз навбатида уларнинг ҳам бу ишончли оқлашга ҳаракат қилаётган фидокорона меҳнатидир. Чўқур билимга эга бўлиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Коллеж, лицей, гимназиялар бугун буюк келажакка пойдевор қўймоқда.

Қисқаси, мустақиллик ҳар соҳада эркинлик, ҳуқуқ, тенглик ва биродарлик каби эҳсонларни тортиқ қилди.

Эндилда жаҳонда ўз нуфузимизга эгамиз, ўз ҳоқимиятимизни бошқарамиз, қонун ва қарорларни ўзимиз чиқарамиз, ҳуллас, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қиламиз. Мадҳия, герб, байроқ, Қомус ўзимизники, бошқалар билан "олди-берди"ларни ўз хоҳишимизга қараб амалга оширамиз, буларнинг барчаси ана шу мустақиллик инъомлари-да...

Юракдан-халқинг, Ватанингни, оиланг, ўзинг ва эркин учун яшайдиган, меҳнат қиладиган, тер тўқадиган замон бу!

Аслида, "Мустақиллик бизга нима берди?", — деб эмас, балки "Биз мустақилликка нима бердик?", — деб яшамоғимиз керак, лозим бўлса, хали ҳам "совет даври яхши эди, нони фалон тийин, калбаса листон тайин", — деб "куюниб" умр кечираётганлар онгига шу иборанинг моҳиятини сингирмоғимиз, у ердан собиқ тузум таъсирини сиқиб чиқармоғимиз шарт. Бу озодлик олдидаги энг биринчи бурчимиз ҳамдир!

Зухра ҲАМДАМОВА,

ЎЗМУ журналистика факультети талабаси



А.Тўраев олган сурат

Пойтахт жамоли.

ТАДБИР

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Хоразм вилоят прокуратурасида навбатдаги идоралар-ро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят прокурори, мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Д.Исроилов олиб борди.

Вилоят ҳоқимлиги, халқ таълими, молия, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, давлат санэпидназорат маркази, шаҳар ва туман прокурорлари, шаҳар ва туман ҳоқимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раислари иштирокида ўтган мазкур кенгаш йиғилишида асосан, ижтимоий муҳофаза масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, умумий назорат бўлими прокурори Б.Абдуллаевнинг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун ижроси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ажратилган

пул маблағларининг сарфланиши ҳамда янги иш ўринларини очиш учун банклардан олинган кредитларни мақсадли ишлатиш аҳоли юзасидан, ушбу бўлим катта прокурори Қ.Савдуллаевнинг кўникма марказлари, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳоқимликлар ҳузурида тузилган махсус комиссиялар фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида қилган маърузалари тингланди.

Шунингдек йиғилишда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Искандаров "Умумтаъ-

лим мактабларининг мутахассис ўқитувчилар, ўқув дарсликлар, спорт зал ва майдончалари, ҳамда спорт анжомлари билан таъминланиши аҳоли юзасидан текшириш натижалари ҳақида" ҳамда "Болалар ва меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб, ўрта махсус касбхунара билим юртларида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва вояга етмаганлар манфаатини ҳимоя қилишга доир меъёрий ҳужжатлар ижроси аҳолини текшириш натижалари ҳақида" маъруза қилдилар.

Маърузада таъкидланган масалалар хусусида мутасаддилар тушунтириш бердилар.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б. УЛИБОБОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

Ушбу сонда

ЎЗИ БЕК
ЎЗИ ХОН

3-бет

ҚЎШИҚНИНГ СЕҲРИ НИМАДА?
СЎЗДАМИ ЁКИ ОҲАНГДА?

5-бет



ХИТОЙНИНГ
ХАЛҚ
ҚАҲРАМОНИ

7-бет



ЙЎҚОТИЛГАН ИККИ
ОЧКО ПАНД БЕРМАСМИКИН...

8-бет

ТАҲРИРИЯТ

ПОЧТАСИМАН

«ЖИНОЯТЧИЛИККА ЙЎЛ»

“Хуқук”, 10-сон, 2001 йил

Ушбу мақола юзасидан Пахтакор туман прокуратураси орқали текшириш ўтказилди. Аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам Пахтакор туманидаги “Чаманзор” қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолини ичимлик суви ва иш билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда маданий-оқартув ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Мазкур фуқаролар йиғини ҳудудида 3832 нафар аҳоли яшайди. Улардан 1796 таси ишга яроқли, шундан 1076 нафари туман ҳудудидаги корхона, ташкилот ва хўжаликларда ишлашда ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шугулланади. Қолган 72 нафар фуқаролар иш билан таъминланмаган, қишлоқ фуқаролар йиғини масъул ходимлари томонидан ишсиз юрган шахсларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмаган. Озиқ-овқат дўкони, нонвойхона аҳолига хизмат кўрсатса-да, мавжуд сартарошхона ва этикдўзлик устахонаси ишлайди.

“Чаманзор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маиший хизмат уйи 1994 йилда фуқаро Ж.Салаев томонидан хусусийлаштириб олинган бўлиб, бинода фуқаролар йиғини, милиция нозир хонаси, этикдўзлик устахонаси ва сартарошхона жойлашган. Маиший хизмат уйининг қолган хоналари бўш бўлиб, у ерда бичиштикиш ва бошқа маиший хизмат турлари ташкил қилинмаган. Бино айни кунда жорий таъмирлашга муҳтож.

Хўжалик ҳудудидаги дорихона биноси ҳам хусусийлаштирилган, бироқ ҳозирги кунда фаолият кўрсатмайди. Хўжалик ҳудудида 1 та ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси мавжуд, мақолада қайд этилганидек, мактабнинг тоmidан сув ўтганлиги сабабли таъмирга муҳтож.

Қишлоқ фуқаролар йиғини марказида жойлашган ёзги ва қишқи кино-клублар таъмирталаб бўлганлиги сабабли фақатгина бу бинода жойлашган кутубхона ишлаб турибди. Участка нозир Х.Туркмановнинг “Чаманзор” қишлоқ фуқаролар йиғини ойда бир марта ҳам келмаслиги, қишлоқ марказида жойлашган биярдхона тонга қадар ишлаши, ўсимлар у ерда спиртли ичимлик ичиб, видео кўриш билан машғуллик ҳақидаги гаплар ўз таъдбини топмади.

Текширишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Р.МУХИДДИНОВ,
Жиззах вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

АЙБ АСЛИДА КИМДА?

Ҳурматли таҳририят! 1997 йилдан буён маҳалламизда электр, газ, сув йўқлиги сабаблиги Сўзларга шикоят ёзишга мажбур бўлдик. Бир неча мартаба туман, шаҳар электр, сув тармоқлари раҳбарларига бориб бадминистр тушуниридик, лекин натижаси бўлмади. 1997 йилдан буён ҳозирга қадар бир суткада 2 соат электр бўлса бўлади, бўлмаса йўқ. Ёз келиши билан ичимлик суви тўхтабди. Бу ҳам етмагандек, радио симларини ҳам узиб, олиб кетишди. Зангори экранда “Ахборот” ва “Янгиликлар” кўришдан, радио эшитишдан, газдан фойдаланишдан, сув истеъмол қилишда узилишлар кўп. Наҳотки, туман, шаҳар раҳбарлари аҳолимиздан хулоса чиқариб олмасалар. Биз бир неча марта Урғут туман газ ва электр тармоқлари раҳбарларига учрашганимизда улар барча айбони бошқалар зиммасига юклашди. Илтимос, муаммо ечимига ёрдам берсангизлар.

Х.АБЗАМОВ, А.РАШИДОВ, Н.АҲАДОВА, Г.ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд вилояти, Урғут шаҳри,
“Чорраҳа” маҳалласи

ЕР АЖРАТИБ БЕРИЛДИ

Оқдарё туман прокуратураси томонидан М.Улуғбек ширкат хўжалиги авзоси М.Раҳмоновнинг хўжалик бошқаруви раиси А.Носиров фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бермаётганини тўғрисидаги аризаси текшириди. Аниқланишича, М.Улуғбек ширкат хўжалигининг 625 та авзоси бўлиб, 2001 йил 13 февраль кuni ўтказилган ва 165 нафар вақил қатнашган, умумий йиғилишида “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, хўжаликда меҳнат ресурслари орқалиги сезилганлиги инobatга олиниб, сўғорилмайдиган ерларни фермер хўжалиги тузиш учун ажратмаслик ҳақида қарор қабул қилинган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан 2001 йил 13 февралдаги умумий йиғилиш қарорига биноан Маҳмуд Раҳмоновга 10 гектар ер майдони фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратилган.

Н.ЖАБОРОВ,
Оқдарё туман прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

ФЕЛЪЕТОН ЎРНИДА

ЎЗИ БЕК, ХОН

АҲМАД Худойкулов 1995 йилда Бандихон туманидаги “Дўстлик” жамоа хўжалигига қарашли 67 бош қорамолни арзон-гаровга сотиб олди. Бундан ташқари, бинойидек молхона ва бошқа турдаги асосий воситалар ҳам унинг қўлига ўтди.

Қандини урсин. У энди мулкдор! Орадан кўп ўтмай тадбиркор “Қумқўтон” деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилди.

Кейин нима бўлди — ўзи билди. Бирок шу нарса аниқки, унга ишониб топширилган моллар сони йил сайин камайиб бораверди. Охир-оқибатда улар 12 бошга тушиб қолди. Фақат бугина эмас, Молхона биноси бузиб ташланиб, унинг асбоб-анжомлари талон-тароқ қилинди.

Чорвачилик соҳасида иши юришмаган А.Худойкулов пухта одам экан. У энди омадини деҳқончиликда синаб кўрмоқчи бўлди.

Қойил қолмай илож йўқ. У бу ниятига ҳам осонгина эришди. Туман ва деҳқон-фермер хўжалигини уюшмаси раҳбарлари унга бутун бошли бир бўлим ерини кўш-қўллаб топширишди. 1998 йилда нақд 154 гектар сўғорилмайдиган экин майдони “Қумқўтон” фермер-хўжалигига 10 йил муддатга ижарага берилди.

Ажабо, бу унинг чорвачилик тармоғида кўрсатган “қахрамон”ликлари учун берилган “мухофот”микан?!

Ижарачининг яна бир қизиқ одати бор. Бир гапни икки қилмайдиган хўжалик авзоларини ҳаминча бағрига олади. Ҳатто уларнинг қонунга зид ишларига шахсан ўзи бош-қош бўлади. Хомийлик, химоячилик қилади. Соясига салом бермайдиганларни эса жини суймайди. У ёғини сўрасангиз, можарога ҳам худди шу одати сабаб бўлган.

А.Худойкулов 2000 йил бошида фермер хўжалиги таркибидидаги Р.Мустафоқулова бутун оиласи билан меҳнат қиладиган звенoga тегишли ерни олиб қўяди. Бу эса табиийки, етти боланинг онасига жуда алам қилади ва у туман, вилоят идораларига ижарачининг қонунга зид ташли-ҳаракатлари ҳақида ариза ёза бошлайди.

Шикоятчи мухбирлар постимизга ҳам арзнома билан келди. Унинг дард-ҳасрати ичига сиғмасди.

— Икки йилдан бери сарсон-саргардонимиз, — дейди у алам билан. — Бормаган жойимиз қолмади. Лекин ҳеч ким А.Худойкуловнинг қилмишларига одилона баҳо бермапти. Энди сизлар ёрдам берарсизлар, деган умиддаман.

Аризачи бизга тақдим этган ҳужжатлар эътиборимизни тортиди. Улардан бири туман ҳокимининг бироқини ўринбосари О.Раҳмонкулов томонидан 2000 йил 28 июнь кuni вилоят ҳокими номига йўлланган жавоб хати. Унда айнан шундай сўзлар битилган: “А.Мустафоқулова аризасида талаб қилган 10 гек-

тар ер майдони ўзига қайтариб берилиши ва ариза муаллифлари унга розилик билдириб, оилавий бўлиб ишлаш учун ерни қабул қилиб олди”.

Туман ҳокими муовини, назорат инспекцияси бошлиғи раҳбарлигида 2000 йил 6 июль кuni тузилган далолатномада ҳам “2000 йил якуни билан... звено авзоларига ўзларига тегишли бўлган ер майдонини қайтариб бериш ҳақида келишиб олинди. Бу ҳақда туман ҳокими У.Чўтбоев ва “Қумқўтон” фермер хўжалиги авзолари розилиғи олинди ҳамда ариза муаллифларига маълумот сифатида етказилди”, дейилган.

Аммо А.Худойкулов шунча гап-сўзлардан кейин ҳам ўз билганидан қолмайди.

Ёза-ёз, югур-югур яна давом этади.

Туман прокуратураси томонидан Р.Мустафоқуловнинг аризасига асосан текшириш ўтказилди ва пировардида шундай хулоса чиқарилади: “Текшириш жараёнида ҳақиқатан ҳам “Қумқўтон” фермер хўжалиги бошлиғи А.Худойкулов ўз мансабидан фойдаланиб, пахта экилиши лозим бўлган ердан 8,1 гектарини қўл остида ишлайдиган 9 нафар звено бошлиқларига ҳеч қандай рухсат олмагандан, режадан ташқари полиз, сабзавот ва бошқа экинларни экишга рухсат бериб, пахта экилиши керак бўлган 0,5 гектар ерга ўзбошимчилик билан полиз экинни экканлиги аниқланди”.

Текшириш якунига кўра “Қумқўтон” фермер хўжалиги бошлиғи А.Худойкуловга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 66 ва 200-моддалари билан, звено бошлиғи Самадов Баҳромга нисбатан эса мазкур кодекснинг 60 ва 200-моддалари билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилади”.

Иил охирида эса туман ҳокими муовини, назорат инспекцияси раҳбари Б.Эргашев имзоси билан вилоят ва туман раҳбарлари номига бундай жавоб хати йўланган: “Аризада баён этилган фактлар тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда атрофлича ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:”

“...Қумқўтон” фермер хўжалиги ҳудудида шу йилнинг октябрь, ноябрь ойларида ўтказилган ўлчов жараёнлари давомида ўзбошимчилик билан 30 гектар қунжут, 3,5 гектар ерэнгок, 2,75 гектар пиёз экилганлиги ҳамда 4 нафар фуқарога ноқонуний равишда 0,80 гектар томорка ер участкалари беририлганлиги аниқланди ва ушбу экин майдонларидан олинган маҳсулотларни 29-СХ статистик ҳисоботларига кирим қилиш кераклиғи тўғрисида огоҳлантирилди. Лекин шунга қарамастан, олинган маҳсулот кирим қилинмади”.

Туман ҳокими жаноб У.Чўтбоев А.Худойкулов томонидан шунча ҳуқуқбузарликлар содир этилган бўлишига қарамастан негадир уни “огоҳлантириш” билан кифояланган. Бунинг устига вилоят раҳбарлари номига ёзган жавоб хатида ижарачининг айбини хаспўшлашга уринган. Бундай саховатпешалик фермерни янада руҳлантириб юборади. Биз яқинда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Бу йил фермер хўжалиги авзолари 154 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Шундан 91 гектар майдонда пахта, 50 гектарда бошоқли

дон, 3 гектарда сабзавот, 10 гектарда эса беда етиштириш режалаштирилган. Бу хўжалик далаларини айланганда эса бошқача манзарага дуч келдик.

Ж.Раимшуккуров бошлиқ звено гап-сўзларни орасида анча жойга пиёз экилган. Бу майдон тахминан 88 сотихни ташкил этади. Унинг ёғинчасида қовун пайқали ҳам бор. Ўзимизча уни 25-30 сотих деб чамаладик.

Қўшни звенода ҳам 82 сотих ерда пиёз ўстирилмоқда.

Бу ҳали ҳолва экан. Ижарачи А.Худойкуловга тегишли бошқа бир далага фериб хайрон қолдик. Катта канал ёқасидаги энг ҳосилдор майдон тўлиқ полиз, сабзавот экинлари учун ажратилибди. Унда пиёз, картошка ва тарвуз етиштирилаёттир. Озрок жойга помидор экишни ҳам унуттирмаган шовзолар. (Буларнинг бари видео таъсирларда ўз аксини толган).

Маълумотларга қараганда, бу ердаги пиёз 1,56 гектарни; тарвуз 4,15 гектарни, картошка эса 48 сотихни ташкил этади.

Туман раҳбарининг изоҳ беришича, пиёз режада кўрсатилган сабзавот маҳсулотлари сифатида етиштирилаётган экан. Борингки, шундай бўлсин. Лекин бизнинг мўлжалимизча, кўзда тутилганига нисбатан анча кўп экан. Ҳўш, бунинг учун ким жавоб беради?

Энг ажаблანарли жойи шундаки, шартномада тарвуз ва картошка тилга ҳам олинмаган. Ахир бу мазкур экинлар режадан ташқари, қонунга зид равишда экилган, деб хулоса чиқариш учун асос бўлмай-димми?

Энди А.Худойкулов кўрсатаётган “томоша”нинг қизигини эшитинг:

Биздаги маълумотларга кўра, жаноб А.Худойкулов унга ижарага берилган экин майдонларидан тахминан 8 гектар (!!!) уни фуқароларга ноқонуний равишда турар-жой қуриш ва томорка учун бўлиб берган. Ахир, буни қандай тушуниш мумкин?

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасида ердан белгиланган максимал далолатнома билан, фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг бир неча бор ёқиб бир марта қўпол равишда бузилиши фермер хўжалигини тугатиш учун асос бўлади, деб очик-ойдин ёзиб қўйилган. Шундай экан, А.Худойкуловнинг қилмишларига ҳам худди шу нуқтага назардан баҳо бериш, унинг қонунбузарликларига чек қўйиш фурсати етмадиммикан? Ахир, у қачонгача ижарага берилган ердан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланади?

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
“Хуқук” мухбири,
Сурхондарё вилояти

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КЕНТУККИ шаҳарчасидаги мактаблардан бирида таълим олаётган 14 ёшли ўспирин бино йўлагига уч қизалоқни отиб ўлдиради ҳамда яна беш ўқувчини ярадор қилади.

Исроилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик кейинги йилларда 80 фоизга ошгани яхудиylарни жиддий ташвишга солиб қўйди.

Германиялик безори болакайдан сўрашди: "Ахир этик билан тепса огримайдими?" У беписандлик билан жавоб берди: "Оёгимми? Оғримайди, пишиб кетган".

14 ёшли япониялик ўқувчи ўз партадошини ўлдириб, калласини мактаб дарвозасига осиб қўйди. Мудҳиш қотилликдан саросимага тушиб қолган собиқ бош вазир Рютаро Хасимото: "Агар биз вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка бефарқ бўлсак, келажақда ҳақиқий ҳалокатга дучор бўламиз", деган эди куюниб.

ФИКРИМИЗНИ хорижий мамлакатлар мисолидан бошлаганимиз кимгадир эриш туюлар. "Ўзимизда-чи? Ҳаммаси жойидамикан..." дегувчилар ҳам топилар, эҳтимол. Аммо гап жиноятнинг қаерда содир этилгани эмас, уни ким содир этганлиги ҳақида кета-япти.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг фуқаролик жамияти—хуқуқий демократик давлат сари дадил қадамлар ташлади. Демак, барчамиз оддий ҳақиқатни теран англаб олишимиз керак. Эртанги

лиятини тубдан қайта тузишга олиб келди, масъул шахсларнинг ўз ишига нисбатан муносабатини ўзгартирди.

Шу жумладан, Бекобод шаҳри мутасаддилари олдида ҳам ўз вазифаларига нисбатан давр талаблари даражасида ёндошимиз масаласини кўндаланг қўйди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия янги таркибда қайтадан

Файзулла ИМОНОВ,
Бекобод шаҳар прокурори

ИШЛАР ҚАНДАЙ, ЎСМИР?

фаровон турмушимизнинг эгалари, буюк келажагимизнинг қурувчилари бугун тарбия топаётган, бизнинг ҳимоямизга муҳтож бўлган авлодлардир. Шундай экан, биз хуқуқшунослар вояга етмаганларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимояси амалда таъминланишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Йўлбошчимизнинг ташаббуси билан 2000 йил "Соғлом авлод йили", жорий йил "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинишининг бош омили ҳам шу — маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний соғлом, жасур, ватанпарвар фарзандларни тарбиялаш, фаровон келажагимизнинг ҳақиқий эгаларини вужудга келтиришга қаратилган.

Негаки, барча тараққий топган давлатлар ўз тараққиети йўлида вояга етмаганларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини муҳим билиб, бу йўлда зарурий чора-тадбирларни кўрганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бироқ вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик аҳоли ҳамон долзарб-лигича турибди, ҳамон жаҳон ҳам-жамиятини ларзага солмоқда. Айниқса, 13-17 ёшли ўспирлар — мактаб ўқувчиларининг жиноятга қўл ураёт-гани ачинарлидир.

Мамлакатимизда шу борада белгиланган зарурий тадбирлар қаторига ўтган йили ҳаётимизга жорий қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини алоҳида дастурий қўлланма сифатида киритиш лозим. Негаки, мазкур ҳужжат ҳокимликлар қўшида номигагина ишлаб келган комиссиялар фао-

тузилиб, ўз фаолият йўналиши — дастурини белгилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, шаҳар суди, халқ таълими бўлими, меҳнат бўлими ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш режаси ишлаб чиқилди.

Айни пайтда Бекобод шаҳрида 80 мингдан ошқ киши истиқомат қилади. Шундан қарийб тўртдан бир қисми вояга етмаган ёшлардир. Кўришиб турибдики, улар оз эмас. Демак, шаҳар ёшларининг ижтимоий ўрнини ҳеч қачон назардан қочирмаслик лозим. Олиб борилган тадбирлар давомида 104 нафар ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган ўспирлар аниқланди. Шу пайтга қадар ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда меҳнат бўлими билан ҳамкорликда 55 нафар ўспир ўқиш ва ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, режага мувофиқ 2000 йил мобайнида умумтаълим мактаблари, билим юрлари ва касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, хуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида "Хуқуқ ва бурч", "Жиноят ва жазо", "Жиноят ва унинг зарари" мавзуларида давра сўхбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Бундан ташқари, шаҳар ички ишлар бўлими мунтазам равишда "Ўспир", "Тун", "Ғамхўр" тадбирларини ўтказиб келяпти. Ўтказилган тадбирлар давомида 512 нафар ўспир ВЕНга келтирилган. Улар орасида мактаб, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг мавжудлиги кишини ташвишлантиради.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян тадбирлар олиб борилмоқда. Вояга

етмаган ногиронларга нафақалар тайинлаш ва уларни ўз вақтида етказиб беришга, шу билан бир-галликда, уларнинг аҳолидан доимий боғабар бўлиб туришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Нотинч оилалар фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаш ва улар билан махсус иш олиб бориш мақсадида маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди, тегишли хулосага келмаган шахсларни оналик ва оталик хуқуқидан маҳрум қилиш чоралари кўрилмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия шу пайтга қадар фарзандлари тарбияси билан шуғулланишни унутиб қўйган, ўз қилмишлари, турмуш тарзи билан уларни хато йўлга бошлаётган 11 нафар ота-онага маъмурий таъсир чораларини кўрган.

Тўғри, амалга оширилаётган ишлардан қувонимизга ҳали эрта, албатта. Гарчи шаҳарда вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик ва қотиллик жиноятлари содир этилмаган бўлса ҳам. Олиб борилаётган профилактик ишлар, турли тадбирларнинг муваффақиятли кечаётганлигини эътироф этиш лозим. Лекин ўтган йили вояга етмаганлар томонидан 33 та жиноят содир этилган эди. Соди-р этилган жиноятларнинг 16 таси ўғирлик ва 16 нафар жиноятга қўл урган вояга етмаган ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрганлар, яъни катталар эътиборидан четда қолганлар ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан Ички ишлар бўлими ВЕН ходимларининг бу тоифадаги ёшлар билан олиб борган ишлари талаб даражасида эмас, деган хулоса чиқариш мумкин. Уларнинг шаҳар халқ таълими ва маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. 1999 йилда мактаб ўқувчилари томонидан 1 та жиноят содир этилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 4 тани ташкил қилди. Мазкур тўрт жиноятни беш нафар ўқувчи содир этган. Сабаб?

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Бироқ, меннинг назаримда, умумий сабаблардан бири жамиятда ўтиш даврига хос бўлган маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳар бир фуқаро масъулият билан киришгани йўқ. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айрим руҳшунос олимлар эса бунинг сабабини оммавий ахборот воситаларидан излашмоқда. Телевидение, матбуот бизнинг руҳий оламимиз, маънавий дунё-мизга "бостириб" киради. Айниқса, айрим хорижий давлатлар теледастурлари ва турли видеотекаларда намоёйиш этилаётган шарм-ҳаёсиз, босқинчилик, ёвузлик билан тўлдирилган "қора кути"лар ёшлар руҳиятига чанг солмоқда. Бу эса, маънавий қашшоқ оилаларда ўсаётган болаларга тез таъсирини кўрсатмоқда.

Аммо биз бу фикр билан айбни коптокдек ундан-бунга "отмоқчи" эмасмиз. Мақсадимиз жамиятдаги огрикли нуқтани ҳаспўшлаш эмас, балки унга даво топиш, холос.

МУШОҲАДА

ИЖТИМОЙ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

ҲАР бир миллатнинг ахлоқий тарбиясида ўзига хос қонун-қоидалар, аъёналар мавжуд. Улар маъмур миллатнинг характери, руҳиятига, яъни менталитетига асосланади. Зеро, ижтимоий тарбиянинг баъзи унсурлари оила, диний муассасаларда, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий соҳаларда, айниқса таълим тизимида ўз аксини топади; миллат, давлат ва жамиятнинг ижтимоий муносабатларида амалга оширилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ижтимоий тарбия миллий, диний, дунёвий қадриятларга таянади.

Тарихда гурқираб ривожланган давлатларнинг барчаси ўз фуқаролари ва айниқса, ёшларини миллий қадриятларни улўғлаш, Ватан мустақиллиги ва шон-шўхрати учун фидойилик кўрсатиб яшаш руҳида тарбиялаш учун ҳамма чораларни кўрган. Собиқ шўро замонларида ҳам ижтимоий тарбия тўғрисида гапириларди. Бироқ мазкур соҳа ҳаётда етарли даражада ўрнига эга эмас эди. Сир эмаски, ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми бўлган ахлоқий тарбия оиладан бошланади, яъни оиладаги мавжуд ахлоқий муҳит тарбияда муҳим роль ўйнайди.

Шўро давлати эса таълим тизимини умумий, яъни миллатларнинг миллий хусусиятларини четга суриб қўйиб ташкил қилишга уриниши натижасида, тарбияда нотабиийлик, сунъийлик вужудга келди. Бу ҳолат тарбиянинг ўзаги бўлган оила, ота-онанинг роли беқийслгини унутмаган ҳолда, ўзини-ўзи бошқариш органларига алоҳида эътибор қаратилган. Мана энди унинг сафига янгича руҳ ва ғоя билан қуролланган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кўшилди.


Дарҳақиқат, ижтимоий тарбияда миллий тарбия алоҳида ўрин тутаяди. Миллий тарбия ўзаги хос қирраларга эга. Шунингдек, у тил, маданият, дин, урф-одат, тарихий мерос, киндик қони тўкилган жойга ҳурмат, миллий гурур, ор-омус кабиларни ўз ичига олади. Давлатимизда ёшларни мустақиллик ғоясига ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Хуқуқ-тартибот идоралари, жумладан прокуратура фаолиятида тубдан янгиланаётган таълим тизимида тарбиянинг долзарб йўналишлари ва объектларига доир етарли даражада таҳлилий материаллар бор.

Бироқ ижтимоий ва миллий тарбиянинг муҳим йўналишларини умумлаштиришда "тарбия социологияси" фани том маънода оқсамокда, Ўзбекистонда бу соҳада юз бераётган шиддатли ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Тадқиқотчиларимиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Юсуфжон САЛИМОВ,

СамДУ социология кафедраси магистри



Мен жилғаман, дарё бўлиб оққим келади.

МУЛОҲАЗА

ҚҮШИҚНИНГ

СЕҲРИ НИМАДА? СЎЗДАМИ ЁКИ ОҲАНГДА?

КҮЧАМИЗДА икки кекса отахон яшайди. Бир ён қўшимиз бўлса, иккинчиси дарвозамизга рўпара уйда туради. Хар иккиси ҳам сахардан кўчага чиқиб олиб узок суҳбат қуришни одат қилишган. Назаримда, улар намозга туришади-да, секин кўчага чиқшади. Айрим пайтлари мен ҳам уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўламан. Яқинда тасодифан яна бир бор уларнинг суҳбатига шерик бўлиб қолдим. Бироқ бу сафар улар меннинг эшитибганимни сезишмас, ўзларича ниманингидир устида баҳслашардилар. Дарвозага яқинроқ бориб, ортидан уларнинг суҳбатига қўлоқ соламан.

— Узи ашулачининг уруги кўпайиб кетди. — дерди бири норози оҳанг-да. — Бошини қаёққа уришни билмайсан. Мана, қўшимнинг ўгли (мен эмас) эрталабдан кечгача музика кўйгани кўйган. Тагин овозини бутун маҳалла эшитадиган қўйди. Дилбозорни кўйсанг — ашула, радиода — ашула. Кўнамизнинг ёш-яланг қизчалари тўп-лашиб қолса, кўр томошани. Алламбало кўшиқларни айтиб, рақсга тушишадими-эй.

— Нимасини айтсан, — гап бошлади иккинчиси. — Менинг деразамнинг тагида хар кун шу машама. Базур чидайман. Хатто бир-икки бор уришди ҳам кўрдим. Наф йўқ, Хозирги болаларга гап ўқидиб бўлмайди. Аммо гапинг тўри, ашулачиман дегани кўпайиб кетди. Хар кун битта янги артист чиқади. Бунинг устига бир хилларининг ашуласига тушунмайсанам. Бемаза ювунинг уругига ўхшайди бунақалар.

— Дилбозордагиларга ҳам қойилмасман. Шунақаларни қандай қилиб беришаркин.

— Пули бор-да, буларнинг, пули...
— Ха, аммо лексин Юлдузга гап йўқ. Қайси кун наварам кастасини (кассетасини, демоқчи) олиб келди. Бир қўшигини эшитиб этим бижирлаб кетди. "Халқ бўл, элим" деган. Ашуласида маъно кўп унинг. Ўзбеки дунёга танитаяпти аёл боши билан.

Шу ерда уларнинг гурунгида узоклашишга мажбур бўлдим. Қўшни қари-яларнинг суҳбатини бир кун келиб мақоламга ишлатаман деб сираям ўйла-моевдим. Бугун айнан шу мавзуда сўз айтиш мавриди келгани боис, бу суҳбатни сизга ҳам илдиним.

Очиги қўшиқчилик санъатимиз тўғрисида кейинги пайтда жуда кўп гаплар айтилмоқда. Шу даражада кўп гапларлаштипти, улардан ўтказиб бирон янги гап айтиш ҳам мушкул. Уларнинг айтирилади уринили мулоҳазалар борлиги баробарида, айримларининг эътирозли жойлари ҳам йўқ эмас. Ўзи бизга теккан бир касаллик бор. Яъни, шу нарса ёмон деб қўйсанг, бўёги кетди... Начора, беш кўп баробар эмас. Бунинг устига хар кимнинг ўз диди, ўз савияси бор. Кимдир мумтоз қўшиқларни севиб тингласа, кимгадир замонавий эстрада йўналиши кўпроқ маъқул. Хатто шундай мулоҳазалар бўлмоқдаки, гўё бугунги ёшларимиз бутун буйи-баста билан эстрадага шўниб кетганмиш. Ахир биз XXI асрда яшаймиз. Хар соҳада ривожланиш бўлмоқда. Қолаверса, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган гаплар ҳам бор.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, боринки, миллий қўшиқчилик санъатимизни сақлаб қолиш, улар-

ни кенг тарғиб қилиш хар биримизнинг муқаддас вазифамиздир. Аммо бу бир жойда депсиниб, эскиликка ўраниб олиш дегани эмас-ку? Шубҳасиз, бугун эстрада йўналишида ижод қилаётган айрим ёшларимизнинг қўшиқларида жуда кўп камчиликлар бор. Хатто асарияти бир-бирини такроқлайди. Уларда ўлдир-қўйдирдан бошқа сўзни учратмайсиз. Баъзан қўшиқнинг бошидан охиригача битта сўзни 20-30 марта такроқлаб, нуқул "севаман, севаман" деяверганидан сўнг хар қандай кишининг ҳам асаби бузилади.

Масалан, ёшларимиз севиб тинглайдиган "Хўжа" гуруҳининг мана бу қўшиғини олайлик:

Чиройлисиз,
Чиройлисиз,
Хаммадан ҳам
Чиройлисиз.
Нега жимсиз,
Айтинг кимдан уяласиз...

Ёки бўлмаса, шу гуруҳнинг яна бир қўшиғи бор:

Ёқасан,
Ёқасан,
Жоним менга ёқасан.
Лексин менинг дилмига
Оловлар ёқасан.
Айтинг қачон мен томон
Бир қайрилиб боқасан...

Тўғрисини айтганда хар икки қўшиқ ҳам ёшлар орасида оммалашиб кетган. Буни тан олиш керак. Лексин ёшларимиз шу каби енгил-елпи қўшиқларга мослашиб қолмаптимикан? Бу билан эндигина санъат оламига кириб келаётган ёш қўшиқчиларимизни ҳам ана шу қўлига солиб қўймаймизмикан?

Ёки бўлмаса, мана бу қўшиқни эшитинг:

Ойдин-ойдин кечалар,
Айтинг кутай қанчалар.
Излайман севганимни
Ўтсин қунлар, кечалар.
Ох дердимки, вох дердим,
Мен сенга нима дердим.
Танлаганим бўлсам гар
Вой, ургилай жон дердим.

Бу қўшиқ хонанда О. Нурсандовага тегишли. Аввало, бу ёш санъаткорнинг ўз овози, йўналиши билан кейинги пайтларда қўшиқ ихлосмандлари орасида ҳурмат топаётганини тан олиш керак. Бироқ ҳурматини ҳам сунистеъмол қилмаслик лозим. Хар бир хонанда ўз қўшиғини телевидение орқали намойиш эта-яптими, телеэкран қаршисидаги минглаб, балки миллионлаб нигоҳларнинг кузатувини ҳис этмоғи керак эмасми?

Мустафо БАҒОЕВ.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти соҳибдори, композитор:

— ... Дарҳақиқат, бугунги кунда хонандалар ҳам, қўшиқлар ҳам кўпайиб кетди. Бироқ уларнинг сифатига эътибор оз. Айрим қўшиқлардаги шеърларга тўшуниб бўлмайди. Оҳанглар-ку, умуман талабага жавоб бермайди. Хатто баъзан ўғирланиш ҳолатлари учрайди, қўшиқдан бошлаб катта асаргача маъно-мазмунга жиддий эътибор беришимиз лозим.

Японларда бола туғилгач, 3 кунлигини тарбия бериш шарт, деган одат мавжуд. Шунинг учун талабни ҳозирдан қаттиқ қўймасак бўлмайди.

Бугун негадир мумтоз асарларга эътибор кам. Билмадим, халқимиз эшитмай қўйдими ёки эстрада босиб кетаяптими? Ваҳоланки, дунё тинглайдиган асарларимиз бор.

М.Бурхоннинг 85 ёшлигини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу кишининг бўлса, 100 та асари бордир. Аммо бу асарларнинг хар бири заргарона яратилган. Ана шундай заргарлар кўпайишини истардим. Ҳозир-чи, аксинча, темирчилар кўпайиб кетган. Улар яратган асарларнинг умри бир лаҳзалик. Қолаверса, юракни қитиқламайди.

Муסיқа билан инсонни тарбиялайдилар. Тарбияга бу қадар лоқайд бўлмаслигимиз керак, ахир. Кишини ўйга толдирадиган, фикрни чарқлайдиган асар яратилиши лозим.

Телевидение ҳақида ҳам икки оғиз. Бугун кўпчилик газета ўқимаслиги мумкин. Аммо хар бир хонандонда телевизор бор. Энди ана шу телевидение орқали савияси ҳаминқадар қўшиқларни кунда бўлмаса, кунора томоша қилган томошабиннинг савияси қай томонга кетиши ҳақида бир ўйлаб кўринг.

Назаримда, қаттиққўлликни йўлга қўйиш керак. Бундай паст савияли асарларга муросасиз бўлишимиз лозим.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Дерларки, куй билан кирван ширин жон,
Яхши куй тингласа, сел бўлиб кетар.
Қўшиқ сеҳри билан бегона инсон,
Душман ҳам дўст бўлиб, эл бўлиб кетар.
Қўшиқнинг сеҳри ана шунда. Афсуски, ҳозирги пайтда қанотли ва қанотсиз қўшиқлар бор. Мен қанотли қўшиқлар тарафдориман.

Мустиқиллик шоирларимизга ҳам, бастакорларимизга ҳам, хонандаларимизга ҳам янги илҳом берди. Президентимизнинг бир сўзи бор: "Вақт ўзгараверади, замонлар келиб кетяверади, аммо Ватан абадийдир. Уни юракдан севиш ва қўйлаш буюк бахтидир". Бу хар бир ижодкор зиммасига катта масъулият оқлайди.

Қанотли қўшиқлар қаторига "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Юрт ишқиде ёнаман", "Ҳеч кимга бермайми сени, Ўзбекистон", "Элим", "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" каби қўшиқларни киритган бўлардим.

Иқбол МИРЗО,
шоир:

— Ёш хонандаларнинг аксарияти адабиётдан мутлақо беҳабар. Сўз масъулиятини ҳис этадиган, унинг қадрига етадиган ёшлар деярли йўқ ҳисоби. Олдинги қўшиқларда мазмун етакчи бўлган бўлса, ҳозирги ёшларимиз оҳанг кетидан эргашиб кетишмоқда. Назаримда, ўзини қадрлаган хонанда сўзининг ҳам қадрига етади. Фақат оҳанг кетидан қувмайди. Аксинча бўлса, энг аввал уларнинг ўзи учун катта фожеа. Агар буни ўша санъаткорнинг ўзи тушуниб етса. Сабаби, яратган қўшиғи бир ой, бориники, бир йилдан узок яшамайди. Тасаввур қилинг, не машаққатлар билан, йиғиб-териб иморат солсанг, бир кунда қулаб тушса.

Яна бир масала. Кейинги пайтларда Ватан ҳақидаги қўшиқлар жуда кўп айтиляпти. Кечирасиз, Ватан мавзуси ҳам модага айланиб қолди. Энг оғриқлиси шундаки, бу қўшиқларнинг ортида қандайдир таъма борлигини сезаман.

Қанотсиз қўшиқлар деб бекорга айтмайдим. Ахир қуш ҳам ўз қаноти билан парвоз қилади. Афсуски, бировларнинг сўзи бўлганда ҳам хомхатала, ўзгаларнинг куйи бўлганда ҳам бизга бегона, бировларнинг овози бўлганда ҳам халқимизга татмайдиган қўшиқларни ўзбек халқи қабул қилмайди. Ўзиники қилиб олмайди.

У менинг назаримда йўлдан адашиб, машинага чиқиб олган йўловчига ўхшайди. Манзилега етмай, бекатда тушиб қолади. Манзилни мўлжалласан, ўз матлаб, мақсадига эга қўшиқларимиз кўнайса, қанийд.

Ватан, юрт ҳақида қўшиқларимиз яратилаяпти. Бу яхши. Лекин ишорбозликка айланиб кетмаслиги керак. Дунёда касб-корлар кўп, хунарлар кўп. Ана шу касб-корлар ва хунарлар ҳақида ҳам сара қўшиқлар яратилиши лозим.

Қурувчилар, шифокорлар, муаллимлар, ҳуқуқшунослар. Улар ҳам жамиятнинг аъзолари. Нафақат қўшиқларда, балки ишрик жанрларда асарлар яратиш бизнинг бурчимиздир.

Мутахассисларимизнинг фикрлари билан ҳам танишдингиз. Улар ҳақида қандай хулоса чиқариш хар кимнинг ўзига боғлиқ. Фақат мулоҳазаларимиз танқид нуқтаи назаридан қабул қилинмаслигини истардим. Зеро, барчамизни бир нарса, шу Ватан, шу юрт, қолаверса, ўзбек деган миллиятнинг манфаатлари биларштиради.

Яқинда пойтахтнинг отқопар бозориди савдо қилувчи бир танишимни учратиб қолдим. У билан бугунги мавзу ҳақида гаплашиб қолдик. Ростини айтсам, унинг бир гапи мени қизиқтириб қолди. Қанақа гаплигини ҳозир билиб оласиз.

Биласиз, бозорнинг хар бурчагида аудио кассеталар билан савдо қилувчи шаҳобчалар мавжуд. Буни қарангки, қўшиқларнинг қай даражада оммавийлашиб кетиши бир жиҳатдан ана шу шаҳобчаларга ҳам боғлиқ экан. Сабаби жуда оддий. Масалан, унча машҳур бўлмаган бир хонанданинг янги қўшиғи чиқди. Энди ҳалиги шаҳобчалар бу қўшиқни бир ҳафта, бо-

рингки, бир ой узлуksиз равишда бутун бозор эшитадиган даражада қўйиб боришади. Мана сизга тайер реклама. Харқун битта қўшиқни эшитаверганлар бориб-бориб шу қўшиққа ўрганиб ҳам қўлишади. Қўшиқдан умуман беҳабарлар эса ҳозир шу қўшиқчи модада экан деб сотиб ҳам олишади. Энди бу ҳолни ТВга солиштириб кўрамиз. Телевидениеда баъзан айрим хонандаларнинг қўшиқларини хар кун беришди. Хатто бир кунда битта қўшиқнинг икки-уч марта айнан ўша қўшиғи билан чўққанининг гувоҳи бўласиз. Хар хил савияси паст қўшиқларнинг кетишини ёшларни қўйлаш, эркинлик деб баҳоласак, бунақа ҳолатни қандай изоҳласа бўлади?

Хуллас, айб қидирсанг ҳаммадан ҳам топилади. Аммо мудоао биродан айб қидириш эмас, атоларини кўрсатиб, уларнинг бартараф этилишига эришишдир.

Жаҳонгир ШАРОҒБОЕВ,
«Хуқуқ» мухбири

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири, Ёшлар телеканали бош директори:
— Саёз матини қўшиқларнинг пайдо бўлаётганига қўшиқ матларини кўпчилик қўшиқчиларнинг ўзлари ёзаётганини сабаб бўлмоқда. Хатто баъзилари олдин куй ёзиб, кейин шу куйга мос шеър ёзиб беришни сўраб қолишади. Таъкидлаш жоиз бўлса, шеър - бу қўшиқ учун пойдевор. Пойдевор қўймай туриб, девор урмайсиз-ку.

Бу ўринда кўп нарса қўшиқчиларини савиясига ҳам боғлиқ. Улар орасида умуман китоб ўқимайдиганлари ҳам бор. Хатто баъзилари нима ҳақида қўшиқ айтаётганини ҳам билмайди.

Хабариниз бўлса, ЎзТВда бадий кенгаш иш бошлаган. Ана шу кенгаш иш бошлаганидан буён анча ўзгаришлар сезилапти. Унинг ишини яна ҳам ривожлантириш керак. Қайсики, кенгаш тақдими этилган қўшиқларни яхши ёки ёмонга ажратилиш билан чекланиб қолмаслиги лозим.

Зарур бўлса, уларга тегишли кўрсатмалар, йўл-йўриқлар бериб кўмаклашиш ҳам йўлга қўйилса фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир гап. Мақом билан эстрадани ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши қўймаслигимиз керак. Мен хар иккаласини ҳамоҳанг тарзда олиб бораётган санъаткорларни биламан. Аммо баъзан хар иккала соҳа вакилларининг тортишувларини кўриб, ачинаман.

Аслида бу ҳолат адабиётда ҳам бор. Буни айримлар авлодлар ўртасидаги тортишув деб атайдилар. Менимча уни сал бошқачароқ қилиб, яъни дунёқарашлар ўртасидаги тортишув, десак яна ҳам тўғрироқ бўлади.

«ПАРВИНА - БАНК»

Жамоаси

9 май - Хотира ва

Қадрлаш кунни

муносабати билан

ўтганларнинг руhini

ёд этиб, шу мунаввар

кунлар учун курашганлар

хотираси олдида

таъзим қилади ва Ўзбекистон

халқига тинчлик-осойишталик,

юртимиз равнақи йўлидаги

меҳнатларида зафарлар тилойди!



Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган «ПАРВИНА - БАНК» бугунги кунда мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шаклланиши ва жамиятимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари тараққий топиши йўлида муҳим ҳисса қўшаётган банклардан ҳисобланади.

Ҳаётимизга жорий қилинган банк тўғрисидаги ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларни ўз фаолиятининг асоси деб билган «ПАРВИНА-БАНК» кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қисқа, ўрта ва узоқ мuddатли лойиҳаларни молиялаш ва микрокредитлаш жараёнида фаол қатнашиб келмоқда. Банк бу борада эътиборли ижобий натижаларни қўлга киритди. Фикримизни банкнинг 90 фоиздан кўпроқ миқозлари кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар эканлигининг ўзичек исботлайди.

Ишбилармон ҳамкорлар «ПАРВИНА-БАНК»дан ўзларининг энг қимматли вақт ва маблағини тежаб, санoқли кунларда қисқа, ўрта ва узоқ мuddатли кредит олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, миқозлар учун имтиёзли ставкалар ҳам жорий қилинган. Бугунги кунда банк ўз даромадидан ишлаб чиқарувчи микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш учун имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил қилиб, мазкур маблағлар ҳисобидан микрокредитлар бериб келмоқда.

«ПАРВИНА - БАНК» миқозларни ортиқча оворагарчиликлардан ҳимоя қилиш ва қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида 21 та, Тошкент шаҳрида эса 6 та ўз мини-банкларини ташкил қилган. Ушбу бўлималар банк хизматининг барча йўналиши бўйича миқозларга энг сифатли ва ишончли хизмат кўрсатмоқда. Энг муҳими, мини-банклар шаҳарнинг марказларида, кўзга кўринган бозорлар атрофида жойлашган. Ушбу мини-банкларда валюта айирбошлаш шахобчалари ҳам очилган. Жорий йилнинг март ойдан бошлаб банкнинг Бухоро бўлими ҳам фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда банк мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлар марказларида ҳам ўз бўлимларини ташкил қилиш тадбирларини кўрапти.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «ПАРВИНА-БАНК» омонатчилар билан фаол ҳамкорлик қилаётган банклардан биридир. Омонатчиларга тўлаётган банкнинг омонат фоизи миқдори мамлакатимизда энг юқори ҳисобланади. Шу сабабдан омонатчилар сони кундан кунга ошиб бормоқда.

«ПАРВИНА-БАНК» Халқаро Молиявий муассасалар билан кредит линиялари очиб бўйича ҳамкорлик қилиб келяпти. Утган йилнинг октябрь ойида кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаш бўйича банк Халқаро Молия корпорацияси билан кредит линияси очилган доир Бош келишув имзолади. Ҳозирги кунда кредит линияси траншини олишга ҳозирлик кўрилмақда.

«ПАРВИНА-БАНК» ишончли миқозларга ишончли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Ишбилармон тадбиркорларни энг сифатли, фойдали ва самарали ҳамкорликка чорлайди.

9 - май Хотира ва Қадрлаш кунни муносабати билан халқимизнинг бахти учун курашган ва мотонат кўрсатганларни, бизга тинч ҳаёт кечиритиш ва меҳнат қилиш имкониятини яратганларнинг барчасини ёдга олиб, миннатдорчилик изҳор қиламиз.

«ТРАНСФОРМАТОР»
ҳиссасдорлик жамияти

Манзил: Чирчиқ шаҳри.

Тел.: (37171) 3-01-61



ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

ЕВРОПАНИНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАСИ

ЖАНУБИЙ-шарқий Европа бугун дунёнинг оловли нуқталаридан бирига айланиб қолди. Болқон уруши қолдирган жараҳатлар ҳали - вери битадиганга ўхшамайди.

Уруш талофатлари, иқтисодий қамаллар кўҳна қитъанинг бу минтақасини криминал ҳудудга айлантириб юборди. Минтақада қочоқлар муаммосидан ташқари яна ўнлаб глобал муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Европа иттифоқи мамлакатлари бозорларига ноқонуний товарлар айнан шу минтақа орқали кириб келмоқда. Собиқ Югославиянинг барча ҳудудларида Болқон мафияси таъсири сезила бошлади. Бу замин айна пайтда қурол-аслаҳа — миллионлаб автоматлар—у зирхли жангвор машиналарга тўлиб бормоқда. Болқон собиқ Иттифоқ ўлкалари ва Осиёнинг кўплаб мамлакатларидан Марказий Европача ноқонуний ўтаётган муҳожирилари оқими учун канал вазифасини ўтамоқда. Наркобизнес хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бугун шу нарса аёнки, Болқонда ҳар қандай миллий-этниқ тўқнашувлар маҳаллий мафия босслари манфаати учун хизмат қилмоқда. Улар ўртасидаги манфаатлар тўқнашган жойда ўз-ўзидан миллий конфликтлар ҳам пайдо бўлаверади. Бу сигналган услуб.

Мисол тариқасида апрель ойида хорват сепаратчиларининг Фарбий Герцеговинада содир этган жиноий қилмишларини келтириш kifoya. Бу банк-молия системаларидаги ноқонуний операцияларга барҳам берилишига қарши содир этилганлиги кундай равшан эди. Баъзи сиёсатчилар Болқондаги криминал вазият ва иқтисодий таназзулда Европа иттифоқи ва Миллатлар Ташкилотининг ҳам етарлича "ҳиссаси" бор дейишмоқда. Ва ниҳоят айна кунларда, ЕИ Болқон мафияси, минтақадаги иқтисодий хаос Европа учун сўнгги ўн йилликдаги энг жиддий муаммо эканлигини тушуна бошлади.



Испания: навбатдаги террор хуружи.

БОШ ВАЗИР ВАЪДА БЕРМОҚДА

ТУРКИЯ бош вазири Бюлент Эжевит мамлакатни иқтисодий таназзулдан олиб чиқажани маълум қилди. Яқшанба кuni Эжевит яна мамлакат сўл демократлар партияси лидери этиб қайта сайланган эди. Маълумки, бу сиёсатчи мазкур партияга 1985 йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Мамлакатда катта нуфузга эга 76 ёшли Эджевит ўз сайловчиларига билдирган ишончлари учун миннатдорчилик изҳор этар экан, Туркия иқтисодини яхшилаш йўлида барча имкониятлардан фойдаланажани маълум қилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Жаҳон валюта фонди ва Жаҳон банки Туркияга шу йилнинг февралда бошланган молиявий инқироздан чиқиб олиш учун 10 млрд. доллар миқдорда кредит беришни мўлжалламоқда.

ДАҲШАТЛИ УЙҒОНИШ

ЯҚШАНБА кuni Мексикадаги Попокатепетл вулкони яна фаоллашди. Вулқон қаъридан отилиб чиққан лава кратер устидан бир километрдан ҳам юқорирак қул булути ҳосил қилди. Қурбонлар ва талофатлар қайд этилмади. 5452 метр баландлиқка эга бўлган Попокатепетл вулкони ўтган йил декабрь ойида "1200 йиллик уйқудан уйғонган" эди.

ТИЖОРАТМИ, СИЁСАТ?


Британиянинг Sunday Times газетаси тарқатган хабарга қараганда, Россия Шимолий Кореяга ярим млрд. долларлик қурол-аслаҳа етказиб бериш ниятида. Бу ерда гап МИГ-29, СУ-27 кирувчи ва "Пчела-1" учувчисиз самолётлари, ҳаво ҳужумига қарши қурилмалар, қирғоқ ҳудудларини қўриқлашга мўлжалланган ҳарбий катерлар ҳақида бормоқда. Шунингдек, мақола муаллифи бу битим АҚШ томонининг кескин норозилигига сабаб бўлиши аниқлигини ҳам қистириб ўтган.



Расмий Вашингтон фикрича, бу битим тижорат учун эмас, сиёсат учун хизмат қилади. Чунки, шундоқ ҳам Шимолий Кореянинг Россиядан 3 млрд. доллар қарзи бор. Турган гапки, у ҳали-вери бу қарзларини уза олмайди.

ИСРОИЛ МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАРМИКИН?

ИСРОИЛ ташқи ишлар вазири Шимон Перес Иордания қироли Абдуллоҳ билан музокара ўтказди. Мазкур музокарада Иордания бош вазири ва ташқи ишлар вазири ҳам иштирок этди. Кун тартибидagi асосий масала Миср-иордан ташаббуси билан Яқин Шарқдаги Исроилнинг зўравонликларини тўхтатиш режаси таҳлили бўлди. Иордания томони маълумотларига қараганда, музокарада бироз бўлса-да олға силжиш бор. Шунингдек, Тел-Авив ва Вашингтон Миср-иордан ташаббусидан анча ҳушёр торган, сабаби Москва ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаши мумкин.



DENNIS TITO SPACE TOURIST

Сайёрамизнинг биринчи космик сайёҳи Деннис Тито фазовий кема орқали матбуот конференцияси ўтказиб, CNN, NBC ва ТВ-6 телекомпанияларга миксхбирларининг саволларига жавоб берди.

ТЕРГОВ ТАХМИНИГА КЎРА...

Россия Федерациясининг Чувашия Республикаси ИИБ ходимлари томонидан ўз қизини ўлдирганликда гумон қилинаётган шахс қўлга олинган. Тергов тахминларига кўра, ота қизидан эри билан ажралишни талаб қилган. Қиздан рад жавобини эшитган эса, жаҳл устида уни пичоқ уриб ўлдириб қўйган. Маълум бўлишича, марҳума отасининг розилигисиз ўзи ёқтирган йилгитга турмушга чиққан экан.

ХИТОЙ БИЛАН АҚШ ЯНГИ МУЗОКАРА ТАРАДДУДИДА

Маълум бўлишича, Хитой томони америкаликларга Хайнан оролининг жанубида ҳибсда турган АҚШнинг EP-3 жосус самолётини қўздан кечиришга ружхат берган.

Хитойликларнинг таъкидлашларича, мазкур қарор бу каби баҳсли масалалар халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал этилиши керак, деган талабга мос келади. Америкаликлар тўқнашувдан кейин оқ самолётни қайтаришни талаб қилган эдилар. Бироқ Хитой тўқнашув оқибатида бир кирувчи самолёт ва ҳарбий учувчисидан айрилган, ушбу ҳолат бўйича текширув ўтказишга тўла ҳаққи борлигини билдирганди. Афтидан, шу кунларда Хитой текширув ишларини якунлаган кўринади.



Ҳалокатга учраган хитойлик учувчи қаҳрамон деб эълон қилинди.

Ўқоридаги қарорга келаркан, Хитой томони конфликт ечимини топиш учун музокаралар давом эттирилиши зарурлигини таъкидлади. Америкаликлар ҳам Хитойга тавон пули тўлаш масаласини қўриб чиқишга розилик билдиришди. Бироқ тавон пули нимага: 11 кун ҳибсда турган самолётга қўрилган хизмат учуми ё ҳалокатга учраган Хитой самолёти ва учув-

чининг хуни учун тўланадими, номаълумлиқча қолмоқда. Америкаликлар ҳалок бўлган хитой учувчисини ёдлаш маросими ўтказилгандан сўнг ҳибсдаги самолётни бориб кўрдилар. Маросимда эса марҳум учувчи Ван Вейга ҳақ қаҳрамони унвони берилди.

Шу кунларда Хитой ва АҚШ бу каби ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича янги музокараларни бошлаш тараддудиди.

ҲАР НАРСАДА НИСБАТ БОР...

"Совет уруш" йилларида АҚШ ва собиқ СССР ўртасида қуроланиш пойғасини тўхтатиш борасида ниҳоят музокаралар ўтказилар, лекин томонлар змидан бу пойғада олдинга чиқиб олиш учун зўр бериб келар эди. Аср охирига келиб, икки қутбли дунёнинг кўп қутбли дунёга айлана бориши ўз-ўзидан "буёқ давлатлар"ни ҳушёр торттирди ва қуроланиш пойғасига барҳам беришда амалий ишлар ҳам қилина бошланди.

СССР ва АҚШ ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, ҳар икки томонга ядровий арсенали тенг миқдорда қаматириш мажбурияти юклатилганди.

"Вашингтон пост" тарқатган хабарга кўра АҚШ ҳарбийлари ядровий каллақлар сонини 7,5 мингдан 2,5 мингга, ҳатто ундан ҳам камроққа қисқартиришга тайёр. Жорж Буш эътирофича, бу миқдор Россия, Хитой, Ирак, Эрон ва Шимолий Кореядаги бир қатор қуролларга нисбат қилиб олинади.

МАНИЛАДА МОЖАРО ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Филиппин пойтахти Манилада қучайтирилган ҳавфсизлик қоралари кўрилмоқда. Шаҳарнинг асосий кўчаларида полиция тартибсизликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида соқчилик қилаёпти. Олдинроқ мамлакат собиқ президенти Жозеф Эстраданинг юзлаб тарафдорлари унинг ўғилларидан бири даъвати билан, шаҳарнинг ишчи туманида қамқоқдаги йўлбошчининг озод этилишини талаб қилиб намойишга чиққан эди.

Ўн минглаб киши иштирок этаётган митинг ва кўча юришлари мана бир ҳафтага яқинлашдики, давом этаёпти. Юристарнинг фикрича, иқтисодий жиноятларда айбланаётган Эстрада энг оғир жазоларга тортилиши мумкин. Полиция намойишчиларнинг президент саройи томон юришини кутаётган бўлса-да, улар номаълум сабабларга кўра ҳалигача бундай қилмаганлар. Ҳукуматдагилар юришлар нима билан тугагани хавотир аралаш қуттишмоқда. Эстрада эса ўз тарафдорларини ишни қон тўкилишига олиб бормаган ҳолда давом эттиришга чакирган.

Яқшанба кuni Манила яқинидаги шаҳарчалардан бирининг савдо марказида қучли портлаш юз бериб, 30 киши яраланди. Улардан беш нафарининг аҳволи оғир.

Филиппин матбуоти портлашни заргарлик дўконини таламоқчи бўлган босқинчилар уюштирган деб ёзаётган бўлса-да, полициянинг фикрича ҳодиса замирида сиёсий мақсадлар ётган бўлиши ҳам мумкин.

Шу кунларда шифохонада тиббий қўриқдан ўтаётган собиқ президент кеча судда ҳозир бўлиши керак эди.

ФУТБОЛ

ЙЎҚОТИЛГАН ИККИ ОЧКО ПАНД БЕРМАСМИКИН...

ЖАҲОНДАГИ энг оммавий спорт тури футболнинг ишқибозлари ўзгача ҳис-ҳаяжонли даврни бошдан кечирмоқдалар, чунки айни шу йилнинг декабрига қадар 2002 йил июнь ойида Осиё китъасининг Япония ва Корея давлатларида бўлиб ўтадиган навбатдаги XVII жаҳон биринчилигига йўлланма оладиган 29 та давлатнинг миллий терма жамоалари аниқланди. Ҳозирга қадар эса одатдагидек, фақат 3 та жамоа аниқ, булар майдон эгалари ва жаҳон чемпиони — Франция терма жамоасидир.

Мамлакатимиздаги миллионлаб футбол ишқибозларининг асосий эътиборлари миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги иштирокига қаратилган.

Футболчиларимиз қатнашаётган Осиёдаги 7-саралаш гуруҳида Туркменистон, Иордания ва Хитой Тайпейи терма жамоалари ҳам кейинги босқичга бериладиган ягона йўлланма учун кураш олиб бормоқда.

Бу жамоаларнинг Тошкент шаҳрида 23-27 апрел кунлари бўлиб ўтган биринчи давра ўйинлари арафасида улар ўртасидаги кураш кескин бўлиши кутилаётган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ишқибозларимиз гарчи миллий терма жамоамиз барча рақибларини Тошкентда мағлуб этишига унчалик шубҳаланишмаган бўлсалар-да, аммо бу икки даврли ўйинлар натижалари бўйича гуруҳ ғолиблиги учун етарли бўлармикан, деган савол кўндаланг турар эди.

Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, 23 апрелдаги Туркменистон-Иордания учрашуви алоҳида қизиқиш уйғотиши билан бирга муҳим аҳамият касб этарди. Чунки, иорданияликлар бу ўйинда галаба қозongan тақдирда улар Хитой Тайпейи жамоасини ҳам мағлубиятга учратиши ва ўз майдонларидаги барча учрашуларда ғолиб чиқиб, пировардида 15 очко жамғариб, гуруҳ ғолиби бўлиш имконияти кескин ошган бўлар эди.



Шу сабабли ҳам ишқибозларимиз ва миллий терма жамоамиз аъзоларига туркменистонлик футболчиларнинг бу учрашувдаги галабаси (2:0) қувонч келтирди. Аммо, ён қўшилариимизнинг бу галабаси терма жамоамиз олдида айнан шу жамоани мағлуб этишни шарт қилиб қўйди. Акс ҳолда туркменистонликларнинг

гуруҳ ғолиби бўлиш имконияти ортар, буни уларнинг ўзлари ҳам жуда яхши англаар эди. Ўзбекистон-Туркменистон жамоалари ўртасидаги ўйин кутилганидек, жуда кескин курашлар остида ўтди. Бу ўйинда жамоамиз сардори М.Қосимовнинг ўз аънасига содиқ қолган ҳолда жарима тўпини "жонли девор" устидан мохирона ошириб, дарвозага йўллаган ягона голи жамоамизга муҳим галабани келтирди. Шундан сўнг Хитой Тайпейи жамоасини мағлуб этган иорданиялик футболчилар учун майдон эгалари билан 27 апрелда бўладиган учрашув ҳаёт-мамонт жангига айланди. Чунки, бу учрашувдаги мағлубият уларнинг ўз майдонларида бўлиб ўтадиган барча ўйинларда ғолиб чиққан тақдирда ҳам гуруҳ ғолиби бўлиш имкониятини деярли йўққа чиқарар эди. Бу ўйиндаги галаба эса ўзбекистонлик футболчиларнинг икки давра якуни бўйича гуруҳ ғолиблигига яқинлаштирарди. Афсуски, футболчиларимиз имкониятдан фойдалана олмадилар ва учрашувда 2:2 ҳисобида дуранг қайд этилди.

Шу ўринда таркиби Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилган болгар футболчилари А.Дионисиев ва Г.Георгиев, "Локомотив" (Москва) жамоаси ўйинчилари В.Маминов ва О.Пашининлар ҳисобига мустақамланган терма жамоамиз ўйинларига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки, асосий ўйинчилар ҳисобланган П.Бугало, А.Фёдоров ва М.Шацкиларнинг жароҳат туфайли учрашуларда қатнашмаслиги жамоамиз ўйинларига салбий таъсир кўрсатди.

Шундай бўлса-да, янги ўйинчилар А.Дионисиев, О.Пашинин, айниқса, В.Маминов, шунингдек, Д.Файзиев, Н.Ширшов ва Ж. Ирисметовларнинг жамоа сардори М.Қосимов "дирижер" лигида ўзларини аямасдан тўп сурганлигини таъкидлаш лозим.

Аммо, жамоамиз ўйинида бир қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги Туркменистон ва Иордания терма жамоалари билан бўлган ўйинларда яққол кўзга ташланди. Камчиликлардан бири жамоамиз ўйинчиларининг жисмоний тайёргарлик жиҳатдан бироз оқсашидир. Бундан ташқари, терма жамоамиз ўйинчилари турли клубларда ўйнашлари сабабли ҳамма вақт ҳам майдонда бир-бирини яхши тушунавермадилар. Терма жамоамиз ҳужумлари асосан ўнг ва чап қанотлардан жарима майдонига тўп оширишдан иборат бўлди, пухта ўйланган комбинацион ўйин деярли амалга оширилмади.

Шундай қилиб, биринчи давра якунлари бўйича ўзбекистонликлар 7, туркменистонликлар 6, иорданияликлар 4 тадан очко жамғардилар. Иккинчи давра ўйинлари олдидан ҳар учала жамоанинг имкониятлари деярли тенг, аммо майдон эгаларига "ўз уйи деворлари" ҳам ёрдам беришини эътиборга олсак, иорданияликларнинг бу борада имкониятлари бирмунча юқоридир. Агарда иорданияликлар 3 ўйинда ҳам ғолиб чиқадиган бўлса, бизнинг жамоамиз қолган икки рақибини ютган тақдирда ҳам, ўзаро ўйинлар натижасига кўра ғолиб бўла олмадлиги мумкин. Шу сабабли ҳам Туркменистон - Иордания учрашувида ён қўшилариимизнинг дуранг ёки ютуғи жамоамиз учун жуда катта тўхфа бўларди.

Нима бўлса-да, жамоамиз энг аввало ўз кучига ишонши, энг асосий ўйин — майдон эгалари билан бўладиган учрашувга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриши лозим.

Умид қиламизки, навбатдаги жаҳон биринчилигига йўлланма учун кураш ўзбекистонлик футболчилар учун Иорданияда тугамайди.

Малик ЭСОНОВ

СКАНВОРД

Манагуа	Ярим орол, Мексика Хорижий автобус	→	Шаҳар, Германия «Сим-сим»	→	Кариндош	→	Гап бўлаги	→	Мақом
→	↓		↓		↓				Баҳрайн
Дуо	→						Катта хум	→	↓
Юмор							Қўйлар		
→							Падар	→	
Худо	→			Сув хайвони Сайроқи куш	→				Матадор
Чилонжийда	→						Оға	→	↓
Нохқа даъво							Шоколад		
↓		Арабча ҳарф			Кимёвий металл	→	↓		
	Ҳид	↓					Кўёш худоси	→	
	Гўл	→					Ҳаммол		
			Шаҳар, Хитой		Айғир				Мандарин
	Хориж. Фирма		Туз	→					
	Газетхон		↓						
	→				Мисра		Муסיкий нота	→	
Вазмин					Муסיкий нота	→			
Волида	→								
Рақс, Бразилия	→				Тулпор				100 м ²
→									Тарихий солиқ
Хашорат		Принтер	→		Харсанг	→			

Тузувчи: Тўлқинжон РАҲИМОВ



МОРЖЛАРДА ТИШ КАСАЛЛИГИ

Ўтган яқшанба кuni халқаро ветеринарлар гуруҳи Москва шаҳар хайвонот боғида сақланаётган моржларнинг тишларини даволашни нихорасига етказдилар. Мазкур жараёнга англо-яклик танқили стоматолог, Zoodont клиникасининг асосчиси Питер Кертис бошчилик қилган.

Хайвонот боғидаги моржларда тиш касаллигининг пайдо бўлиши бундан икки йил муқаддам қайд этилган эди ва бу хасталик билан оғриган жониворлар сони кўпая бошлади. Бундан ташвишга тушган боғ маъмурияти мутахассисларга мурожаат этадилар. Мутахассислар эса ўз навбатида Zoodont хизматида фойдаланишни тавсия қилишади. Хуллас, Кертис жазоблари Россия пойтахтидаги хайвонот боғида сақланаётган моржларни обдан текширувдан ўтказгач, уларни операция қилиш лозим, деган тўхтамага келади ҳамда ўндан ортик моржларни жарроҳлик амалиётидан муваффақиятли ўтказди.

Моржларни даволаш хайвонот боғига 20 минг АҚШ долларига тушди ва тўловнинг асосий қисми муассислар томонидан амалга оширилди.

Ўтган сонда берилган бошқотирма жавоблари

Ж	Э	Т	С	Ф	О	А	Е	И	Н	Қ	П	К
О	А	О	А	А	Й	С	М	Ш	А	О	А	А
Х	В	М	М	З	Г	Б	Р	К	С	Г	Л	С
И	О	И	А	У	О	И	О	А	О	О	А	
Л	И	Р	Б	Л	Б	Р	М	Ф	З	В	М	
О	И	О	А	О	У	О	И	А	И	И	У	
Л	Й	Б	С	Н	Б	Р	Т	Л	Р	Й	Я	М

ЛАТИФАЛАР

— Менинг эрим кўпроқ пул топиш учун худди отдай ишлайди... Тўғри, у толган пулини эшакдай сарфлайди ҳам.

Янги рус ресторанига кириб, столга ўтириши билан олдида нотаниш официант пайдо бўлди.
— Менинг официантим қани?
— У кеча Сизни карта ўйинида менга ютқазиб қўйди.

Врач беморни текширапти:
— Оҳо, ўнг ўпкангизни олиб ташлаш керак-ку!
— Нималар дейпсиз, ўпкам соппа-соғ, мен ҳеч қачон ўпкам оғриганини сезмаганман.
— Гапингиз тўғри, ўпкангиз ҳозир ҳам туппа-тўзук, лекин шундай қилмасак, жигарингиз жойлаша олмайди-да!